

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ

11 «Ходимларни тиббий кўриқдан ўтказиш тартиби
тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруққа
ўзгартиришлар киритиш тўғрисида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2016 йил
7 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2387-2*

«Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирининг 2012 йил 10 июлдаги 200-сон «Ходимларни тиббий кўриқдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғига (рўйхат рақами 2387, 2012 йил 29 август) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 35-сон, 407-модда) иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Соғлиқни сақлаш вазири

А. АЛИМОВ

Тошкент ш.,
2015 йил 28 декабрь,
44-сон

Ўзбекистон Республикаси
соғлиқни сақлаш вазирининг 2015 йил
28 декабрдаги 44-сон буйруғига
ИЛОВА

**«Ходимларни тиббий кўриқдан ўтказиш тартиби
тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруққа
киритилаётган ўзгартиришлар**

1. Буйруқ муқаддимасидаги «Давлат санитария назорати тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1992 й., 9-сон, 355-модда) деган сўзлар «Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисида»ги деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. Низом муқаддимасидаги «Давлат санитария назорати тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1992 й., 9-сон, 355-модда) деган сўзлар «Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисида»ги деган сўзлар билан алмаштирилсин.

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й.

3. Мазкур ўзгартиришлар Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳоли-ни ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ва Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши билан келишилган.

*Меҳнат ва аҳолини ижтимоий
муҳофаза қилиш вазири*

А. АБДУҲАКИМОВ

2015 йил 28 декабрь

*Ўзбекистон Касаба уюшмалари
Федерацияси Кенгаши раиси*

Т. НАРБАЕВА

2015 йил 28 декабрь